

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРНИ ИЖТИМОЙ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

ШОҲИДА СОДИҚОВА

КЕКСАЛИК
ВА ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯ



ТОШКЕНТ
“ЯНГИ АСР АВЛОДИ”
2013

УЎК: 341(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

С-73

Содиқова, Шоҳида.

Кексалик ва ижтимоий ҳимоя / Ш.Содиқова. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –44 б.

ISBN 978-9943-27-071-8

Рисола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди Давлат гранти маблағи ҳисобидан чоп қилинди.

УЎК: 341(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

Тақризчилар:

Эркин БОҚИБОЕВ,

«Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси

Қиём НАЗАРОВ,

фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Шуҳрат УСМОНОВ,

филология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши томонидан нашр қилиш учун тавсия этилган.

ISBN 978-9943-27-071-8

© Шоҳида Содиқова, «Кексалик ва ижтимоий ҳимоя». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалари ва гуруҳларини – болалар, қариялар, ногиронлар ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш, аввалгидек, ижтимоий сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

ИСЛОМ КАРИМОВ

КИРИШ

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини таъминлаш барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг асосий шарти ҳамда мезонига айланди. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмунини айнан шу ғоя ташкил этади. Мамлакатимиз Конституциясида инсон энг олий қадрият сифатида эътироф этилгани ва унинг 39-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатлаб қўйилгани, «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун», «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», «...ҳар қандай ислоҳотнинг пировард натижаси, аввало, унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади».¹ деган ғоя ва қарашлар умуммиллий шиор даражасига кўтарилгани 22 йил давомида амалга оширилган эзгу ишлар мисолида ўз ифодасини топади. Ана шу инсонпарварлик сиёсати таркибида дав-

¹ И.А. Каримов. Юсак маънавият — енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008 йил. –Б.102-103.

латимиз раҳбарининг ташаббуслари билан ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорларнинг ҳамда Давлат дастурларининг қабул қилиниши, улар учун қулай турмуш шароитини яратиб бериш борасида олиб борилаётган амалий ишлар алоҳида эътиборга молик.

Бугунги кунда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, авваламбор, мавжуд ҳуқуқий меъёрий базани такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини, хусусан, ногиронлар, қаровчисиз фуқаролар ва ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга берилаётган моддий ва маънавий ёрдамларнинг таъсири, самарасини кўтариш, фуқаролик жамияти институтларининг бу масала бўйича фаоллиги ҳамда масъулиятини ошириш, халқаро ташкилотлар, тадбиркорлар ва хусусий бизнес тузилмаларининг куч-имкониятларини ана шундай эзгу ишларга жалб этишга қаратилган.

Демак, бугунги кунда «...ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш»² ўта долзарб вазифалардан бири саналади.

² И.А Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 йил. –Б.46-47.

ҚАРИЯЛАР – ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ҚАТЛАМ СИФАТИДА

Кексайиш тўғрисидаги фан «геронтология» деб аталади, у фалсафа ва тиббиёт туташувида юзага келган энг қадимий фанлардан бири. Унинг пайдо бўлиши тиббиёт илми асосчилари Гиппократ ва Абу Али Ибн Сино, файласуфлар Цицерон ва Сенека номлари билан боғлиқ. Маъно-моҳиятига кўра, геронтология – инсоният маданияти тенгдоши, у энг замонавий фанларнинг қадимийси ва қадимий фанларнинг замонавийси билан бир қаторда туради. Кексайиш ҳақидаги фан барча даврларда олимлар турли соҳаларда яратган янги илмларни ўзида мужассамлаштиради.

Қадим замонлардан (Цицерон ва Абу Али Ибн Сино) геронтология ривожига тиббиёт ва фалсафа таъсири остида бўлган. Бу мавзуга бағишланган рисоаларнинг энг биринчиларидан Марк Тулий Цицероннинг (эрамизгача 106–43 й.) «Катта Катон кексалик ҳақида» биринчи китоби ва Абу Али Ибн Сино (980–1037 й.) нинг «Тиб қонунлари»ни санаб ўтиш мумкин. Келтирилган асарларни асрлар ажратиб туради, аммо кексалик муаммоларига бағишланган махсус ва илк тадқиқотлардан бўлганлиги уларни бирлаштиради. Абу Али Ибн Сионинг тиббий тавсиялари кўп асрлар давомида дунё шифокорлари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди ва ҳозир ҳам шундай фойдалидир.

Абу Али Ибн Сино қариялар жисмидаги ўзгаришлар сабаби мижозларга боғлиқ эканлигини таъкидлаб, уни 3 та турга ажратган. «Айрим қарияларимиз тўладан келган, оқ рангли, сочлари малла бўлса, совуқ мижоз бўладилар. Совуқ мижозлилар қариганларида кўпроқ касалликларга чалинадилар. Бел ва оёқлари оғрийди. Кексайган сари совуқликка мойил бўлиб қоладилар. Шунинг

учун ҳар хил хасталикларга чалиниб турадилар. Иссиқ мижозлилар қариганларида совуқликка мойил бўлиб борсалар-да, хасталикларга камроқ учрайдилар, чунки улар қорачадан келган, сочлари қора, озгин бўладилар.

Думижозлилар ҳар икки мижоз ўртасидагилар ҳисобланади. Хасталиклар ҳам ҳар иккала мижоз ўртасидагидек бўлади. Улар буғдой ранг, сочлари ҳам ўртача рангда бўлади»¹.

Кексаларнинг жамиятдаги аҳволи масалаларини амалий, сўнгра назарий ечиш геронтологиянинг янги соҳаси – ижтимоий геронтологияни юзага келтирди. Бу илмий йўналишни ривожлантириш жараёнида кексаликнинг социологик, социал-психологик, иқтисодий, этик муаммолар ишланмалари биринчи ўринга чиқди. Ижтимоий геронтология инсонни ижтимоий-биологик мавжудот сифатида ўрганеди ва шунинг учун ўз муаммоларини ечишда ижтимоий, тиббий-биологик йўналишларни бирлаштиради. Ижтимоий геронтология ҳозирги вақтда тор академик изланишлар доирасидан ўсиб чиқиб, мустақил фан сифатида тан олинди ва ўқув фани даражасига етди.

Ўзбекистонда ҳам бу масалага кенг қамровли аҳамият берилмоқда. Чунончи, бугунги кунда поликлиника ва стационар тиббий ёрдамга мурожаат қилаётганларнинг аксарияти 60 ва ундан юқори ёшдаги беморлар бўлиб, улар 25-30 фоизни ташкил этади. Стационар, амбулатория ва поликлиника хизматларидан меҳнатга лаёқатли ёшдаги инсонларга қараганда катта ёшдагилар 4-6 марта кўпроқ фойдаланади. Гериатр, социолог ва психологлар кекса беморларга даволаш-профилактика ёрдами ни уюштириш ва кўрсатишда шифохонадан ташқари

¹ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 3 жилдлик сайланма. –Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. 1-жилд. –Б. 253-361.

шаклларга асосий эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайдилар. Кекса киши ўзи ўрганган шароитда кўпроқ қолиши керак, зеро инсоннинг нотаниш муҳитга кўникиш жараёни ўтгунга қадар бирмунча вақт ўтади. Энг муҳими, кекса ёшдагиларнинг тиббий муаммолари тиббий хизматларни таъминлаш учун давлат маблағ ажратмаларини сезиларли даражада кўпайтиришни талаб этади.

Сўнгги беш йил ичида аксарият ташхис марказларида геронтология хоналари очилди. Тошкент Тиббиёт Академиясида гериатрия курси ўқитилмоқда. Тошкент Шифокорлар малакасини ошириш институтида геронтологлар малакасини ошириш курслари ташкил этилган. 2001 йили Абу Али Ибн Сино халқаро жамғармаси, 2002 йили Республика уруш ва меҳнат фахрийларининг Тошкентдаги «Нуроний» шифохонаси қошида Геронтология марказлари барпо этилди. Қатор профилактика фаолият кўрсатмоқда. Республика миқёсида семинарлар ва конференциялар ўтказилиб, геронтология хизматини яхшилаш ва кенг ёйиш масалалари муҳокама этилмоқда.

Дунёда кексаларнинг сони тез ўсмоқда. Кексайиш ва кексалик муаммолари умумжаҳон аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда кексайиш жараён сифатида, кексалик эса унинг натижаси сифатида тушунилмоқда. Кексайиш жараёни шахснинг ўртача ёшдан катта ёшлилар гуруҳига ўтиши билан характерланади. Жамият учун эса демографик, ижтимоий ва сиёсий тузилиши жиҳатидан умумийлик касб этади. Кексалик ҳар қандай организм ривожининг сўнгги босқичидир. Инсон учун бу генетик жиҳатдан шахсий ижтимоий босқичнинг белгиланишидир. Кексайиш барча жараёнлар каби бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти учта хронологик босқични қуйидагича белгилайди: 60 ёшдан 74 ёшгача кексалик, 75 ёшдан 89



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2230> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2230> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2230>